

**РИЁЗУС-СОЛИҲИЙН**  
**Ҳажнинг маъноси ва унинг фазилати**  
**ҳақидаги ҳадислар шарҳи**

(1)  
[ Ўзбекча ]

شرح رياض الصالحين

شرح الأحاديث الواردة في معنى الحج وفضائله

(1)  
[ اللغة الأوزبكية ]

**Абу Абдурахмон Насафий**

أبو عبد الرحمن النسفي

**Мухаррир:** Дорул Ислом тахририяти

مراجعة: فريق عمل الأوزبكي

**Риёз шаҳри Робва маҳалласи диний тарғибот бўлими**

المكتب التعاوني للدعوة وتوعية الجاليات بالربوة بمدينة الرياض

2008 – 1429

islamhouse.com

## Ҳаж китоби

Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм

Ассалому алайкум ва роҳматуллоҳи ва барокатуҳ! Азиз ва муҳтарам мусулмон биродарлар.

Қуйида ислом рукнларидан бири бўлмиш улуғ ҳаж ибодати ҳақида сўз юритиб, имом Нававийнинг Риёзус-солиҳийн номли китобидаги Ҳаж китобида зикр қилинган оят ва ҳадисларни шарҳлашга киришамиз. Унда ҳажнинг маъносини айтилгандан сўнг унинг фарзлигига далолат қиладиган баъзи оят ва ҳадисларни зикр қиламиз. Шу аснода ҳажнинг шартлари ҳақида бир оз тўхталиб ўтамиз ва Оллоҳ таъолодан айтаётган сўз ва қилаётган амалларимизда ҳақ ва тўғрилиққа муваффақ қилишини сўраб қоламиз.

Ҳаж калимаси араб тилида: “Улуғ бир нарсани қасд қилиш”- деган маънода ишлатилса, шаръий истилоҳда: “Оллоҳ таъолонинг уйини (*яъни масжидул-ҳаромни*) махсус вақтда, махсус сифат ва махсус шартлар билан қасд қилиш”- деган маънода истеъмол қилинади. (*Таърийфот, Журжоний, 1/26*)

Ҳаж ибодати ҳижрий тўққизинчи йилда Оллоҳ таъолонинг:

(*97: 1*)

деган ояти билан фарз қилинган. Яъни: **“Йўлга қодир бўлган кишилар зиммасида Оллоҳ учун мана шу уйни ҳаж-зиёрат қилиш бурчи бордир. Кимда-ким кофир бўлса (*яъни Каъбани зиёрат қилиш фарз эканини инкор қилса*), демак Оллоҳ бутун оламлардан беҳожат бўлган зотдир.”** (*Оли-Имрон: 97*) Шунингдек Пайғамбаримиз (*соллаллоҳу алайҳи ва саллам*)нинг: “Эй одамлар, Оллоҳ сизларга ҳаж қилишни фарз қилди, шундай экан ҳаж қилинглар.”-деган муборак ҳадислари билан фарз бўлган. Қуръон, суннат ва ижмоъ яъни ислом уламоларининг иттифоқи ҳажнинг фарзлиги ва ислом рукнларидан бири эканлигини исбот қилади. Ислом динида унинг фарзлигини билиш жуда зарур бўлиб, уни инкор қилган киши кофир бўлади. Кимда-ким унинг фарзлигини эътироф қилсаю, лекин уни адо қилмаса, унинг ҳисоб-китобини Оллоҳнинг Ўзи қилади, бу ибодат имкониятга боғлиқ бўлгани ва имконсизлик билан соқит бўлгани учун у шахсга тегилмайди. (*Фикҳ энциклопедияси, 2/1378*)

Ҳаж ислом динининг рукн ва асосларидан бири эканлиги тўғрисида бир қанча ҳадислар келган бўлиб, мусулмонлар бунга алоҳида иттифоқ қилишган. Бу улуғ ибодат уни адо этишга қодир бўлган ҳар бир мукаллаф эркак ва аёлга умрда бир марта фарз қилинган. Бунга оят, ҳадис ва ислом уламоларининг ижмоъси далолат қилади. (*Ибни Қасир тафсири, 2/81*)

Ҳаж бешта шарт билан вожиб бўлади. Улар қуйидагича:

### 1) Мусулмон бўлиш.

Кофир киши ҳаж қилса, ҳажи дуруст бўлмайди, чунки Оллоҳ таъоло мушриклар ҳақида Тавба сурасида: **“Эй мўминлар, ҳеч шак-шубҳасиз, мушриклар нажас-нопокдирлар, шунинг учун улар бу йилдан сўнг Масжидул-ҳаромга яқинлашмасинлар.”** (*Тавба: 28*) -деб айтган. Имом Бухорий (*роҳимаҳуллоҳ*) Абу Ҳурайра (*розияллоҳу анҳу*)дан ривоят қилган ҳадисда айтилишича: “Абу Бакр (*розияллоҳу анҳу*) Ҳажжатул-вадоъдан олдинги Пайғамбар (*соллаллоҳу алайҳи ва саллам*) амир қилиб жўнатган ҳажда, қурбонлик куни у кишини: “Келгуси йилдан бошлаб биронта мушрик ҳаж

қилмасин ва Байтуллоҳни бирон бир яланғоч киши тавоф қилмасин.”-деб одамларга эълон қиладиган бир гуруҳ ичида юборган эканлар.” (Бухорий ривояти, 4/1586, ҳадис рақами: 4105)

## 2) Ақлли бўлиш.

Ҳажда ҳам бошқа ибодатлардаги сингари кишининг ақлли бўлиши шарт қилинади, чунки телба ва ақлдан озган кишиларнинг қилган ҳажи дуруст бўлмайди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) у ҳақида шундай деганлар: “Уч кишидан қалам кўтарилган (яъни уларга гуноҳ ёзилмайди): ухлаган киши уйғонгунча, бола эҳтилом бўлгунча ва телба ақлли бўлгунча.” (Имом Аҳмад ривояти, ҳадис рақами: 25431)

## 3) Балоғатга етиш.

Балоғатга етмаган болаларга ҳаж қилиш фарз эмас, лекин қилишса, ҳажлари дуруст бўлади, бироқ бу билан фарз ҳаж улардан соқит бўлмайди. Бир аёл бир гўдак болани Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га кўрсатиб: “Бунинг ҳажи ҳаж бўладими?”-деб сўраганда Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ҳа, сен учун ҳам савоб бўлади.”-дедилар. (Муслим ривояти)

## 4) Ҳуррият.

Қул ва чўриларга ҳаж қилиш фарз эмас. Ҳаж қилишса, ҳажлари дуруст бўлади, бироқ бу билан улардан фарз соқит бўлмайди.

Ибни Аббос (розияллоҳу анҳума): “Қайси бир болага оила-аъзолари ҳаж қилдиргандан сўнг балоғатга етса, унга қайтадан ҳаж қилиш вожиб бўлади. Бордию балоғатга етмасдан олдин вафот қилса, ўз ҳажини адо қилган бўлади. Қайси бир қулга хўжайинлари ҳаж қилдиргандан сўнг озод бўлса, унга қайтадан ҳаж қилиш вожиб бўлади. Бордию озод бўлмасдан олдин вафот қилса, ўз ҳажини адо қилган бўлади.”-дейдилар. (Байҳақий ривояти, Ас-сунанул-кубро, 5/179) Ушбу ҳадис бундан олдинги шартга ҳам далил бўлади.

## 5) Ҳажга боришга қодир ва имкониятли бўлиш.

Бу улуғ ибодат ҳаж амаллари бажариладиган ўринларга бориш имкони бўлган шахсларгагина фарз ҳисобланади. Йўллари нотинч, ҳаж қилишга етарли маблағи йўқ шахсларга уни адо этиш фарз эмас. Хотин-қизлар учун қўшимча яна бир шарт бўлиб, агар шу шарт топилмаса, уларга ҳаж қилиш фарз бўлмайди. Бу шарт уларга ҳажда ҳамроҳ бўладиган маҳрамдир. Чунки Ибни Аббос (розияллоҳу анҳума) айтишларича: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Аёл киши маҳрамсиз сафар қилмасин ва бегона киши у билан бирга маҳрамсиз ўтирмасин.”-деган эканлар. Нававий (роҳимаҳуллоҳ) айтишларича: “Бу ҳадисдаги маҳрамдан аёл кишининг маҳрами кўзда тутилган бўлиши мумкин ёки аёл ё эркакнинг маҳрами кўзда тутилган бўлиши ҳам мумкин. Мана шу иккинчи эҳтимол фуқаҳоларнинг қоидаларига мос келади, чунки аёлнинг ҳузурда унинг ўғли, ака-укаси, онаси ва опасига ўхшаш маҳрамлари бўлиши билан эркакнинг опаси, қизи, аммаси ва холасига ўхшаш маҳрамлари бўлишининг орасида фарқ йўқ, зеро шунга ўхшаш ҳолатларда эркак киши ушбу аёл билан бирга ўтириши жойиз бўлади. Сўнг ушбу ҳадис аёлнинг эри билан хосланган, чунки бу аёл билан унинг эри бирга бўлиши худди маҳрамдек ёки ундан ҳам афзалроқ бўлади. Бироқ бегона киши бегона аёл билан бирга учинчи шахс бўлмасдан холи қолиши уламолар иттифоқи билан ҳаромдир. Шунингдек эркак ва аёл билан бирга -ёш бўлгани учун ундан ҳаё қилинмайдиган- икки ё уч ёшли бола бўлса ҳам уларнинг холи қолишлари ҳаром бўлади, чунки у боланинг

бор-йўқлиги баробар. Шунингдек бир неча эркалар бир бегона аёл билан бирга холи қолишлари ҳам жойиз эмас, лекин бир киши бир неча бегона аёллар билан бирга ўтириши жо уламоларнинг энг кучли фикрларига кўра жойиз. Буларнинг ҳаммасидан зарурат ҳолатлари мустасно. Масалан: эрка киши йўлдан адашиб қолган ёки шунга ўхшаш ҳолдаги аёлни учратиб қолса, унга ҳамроҳ бўлиши жойиз, балки унга ҳамроҳ бўлмасдан ташлаб кетган тақдирда унга келадиган хавф-хатардан чўчиса, унга ҳамроҳ бўлиши лозим бўлади. Бу масалада ҳеч қандай хилоф йўқ, бунга “Ифк”қиссасидаги Ойша (*розияллоҳу анҳа*)нинг ҳадислари далолат қилади.” (*Саҳиҳ Муслим шарҳи, Нававий, 5/4*) Маҳрам эса балоғатга етган, ақлли ва мусулмон киши бўлиши шарт, чунки маҳрамдан кўзланган мақсад аёл киши учун ҳаж амалларини бажаришга имконият яратиб бериш ва уни ҳимоя қилиб асраш. Аёл киши эри ёки маҳрамидан бошқа кишилар билан бирга сафар қилиши жойиз эмас. Қўйидаги шахслар аёл кишига маҳрам бўла олади:

□ Қариндошлик сабабли аёлга ўйланиши ҳаром бўлган шахслар. Масалан: ота, ўғил, амаки ва тоғалар.

□ Сут эмиш орқали ҳаром бўлган шахслар. Масалан: ўзи эмган аёлнинг эри - яъни сут сабабли бўлган отаси, эмизган ўғли ва эмишган ака-укалари.

□ Қудачилик орқали ҳаром бўлган шахслар. Масалан: эрнинг отаси ёки ўғли ёки аёлнинг куёви. Хотин-қизлар маҳрамсиз ҳаж қилсалар ҳажлари дуруст бўлади, лекин уни маҳрамсиз қилганлари учун гуноҳкор бўладилар.

Юқорида зикри ўтган бу беш шартни ўзида мужассам топган ҳар бир мусулмон фурсатни бой бермасдан ҳаж қилишга шошилмоғи керак, чунки Расулulloҳ (*соллаллоҳу алайҳи ва саллам*) имом Аҳмад ривоят қилган ҳадисда фарз ҳажни кўзда тутиб:

( - - )

“Ҳаж қилишга шошилишлар, чунки бирорталарингиз нималарга дуч келишини билмайди.”-деган эканлар. (*Имом Аҳмад ривояти, Муснад, 6/449, ҳадис рақами: 2923, Ирваул-ғалил, Албоний 4/168* Бунда қўйидаги китоблардан фойдаланилди: *Ал-ҳажжжү вал-умра ала зовъил-Китаби вас-сунна, Саъийд ибни Али ал-Қаҳтоний ва Ал-муғний фий фикҳил-ҳажж, Саъийд ибни Абдул-Қодир, 14*)

*Давоми бор.*